

**ЎЗБЕКИСТОН АГРАР ФАНИ  
ХАБАРНОМАСИ**

**5/2 (83) 2020**



**ВЕСТНИК АГРАРНОЙ НАУКИ  
УЗБЕКИСТАНА**

**5/2 (83) 2020**

**BULLETIN OF THE AGRARIAN  
SCIENCE OF UZBEKISTAN**

**БОШ МУҲАРРИР:**  
*академик*  
**Ботир**  
**СУЛАЙМОНОВ**

**Бош муҳаррир**  
**ўринбосарлари:**  
*профессор*  
**Камолиддин**  
**СУЛТОНОВ**

*профессор*  
**Лазизахон**  
**ГАФУРОВА**

*қ.х.ф. доктори*  
**Махсуд АДИЛОВ**

**Ижрочи директор:**  
**Бахтиёр НУРМАТОВ**

**Муҳаррир:**  
**Денислам**  
**АЛИМКУЛОВ**

Журнал 2000 йил апрель  
ойида ташкил топган.  
Бир йилда 6 марта чоп  
этилади.

100164, Тошкент,  
Университет кўчаси, 2,  
ТошДАУ  
Тел: (+99871) 260-44-95.  
Факс: 260-38-60.

Е-mail:  
[nurmatovbaxtiyor868@gmail.com](mailto:nurmatovbaxtiyor868@gmail.com)  
*Мақолада келтирилган факт*  
*ва рақамлар учун муаллифлар*  
*ж аавобгардир.*

**5/2 (83)**  
**2020 йил**

## ЎЗБЕКИСТОН АГРАР ФАНИ ХАБАРНОМАСИ

### Тахрир хайъати:

*А.А. Абдуллаев* – академик,  
*И.А. Абдурахманов* – профессор,  
*А.А. Аманов* – профессор,  
*Х.Н. Атабаева* – профессор,  
*Х.Ч.Бўриев* – профессор,  
*И.И.Васенев* – профессор (Россия)  
*С.С. Гулямов* – академик,  
*Р.Д. Дусмуратов* – профессор,  
*В.И. Зуев* – профессор,  
*А.К. Кайимов* – профессор,  
*Х.Х.Кимсанбаев* – профессор,  
*Л.С.Кучкарова* – профессор,  
*М.А.Мазиров* – профессор (Россия)  
*А.М.Мухаммадиев* – профессор,  
*Р.С.Назаров* – профессор,  
*У.Н.Носиров* – профессор,  
*Т.Э.Остоноқулов* – профессор,  
*Ш.Н.Нурматов* – профессор,  
*С.Я.Исломов* – профессор,  
*М.Т.Ташиболтаев* – профессор,  
*Ш.Ж.Тешаев* – профессор,  
*Т.Ф.Фармонов* – профессор,  
*Б.О. Хасанов* – профессор,  
*Э.А.Холмуродов* – профессор,  
*Н.С.Хушиматов* – профессор,  
*У.П. Умурзаков* – профессор,  
*А.А.Абдувасиков* – доцент

### ТАЪСИСЧИЛАР:

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб  
чиқариш ва озиқ-овқат таъминоти маркази.

Тошкент давлат аграр университети.

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнология институти.

Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиали.

Тошкент давлат аграр университетининг Термиз филиали.

**ВЕСТНИК АГРАРНОЙ НАУКИ**  
**УЗБЕКИСТАНА**

**BULLETIN OF THE AGRARIAN**  
**SCIENCE OF UZBEKISTAN**

# ЎЗБЕКИСТОН АГРАР ФАНИ ХАБАРНОМАСИ

Журнал 2000 йил апрел  
ойида ташкил топган

Бир йилда 6 марта  
чоп этилади

Тошкент

№ 5/2 (83) 2020.

## МУНДАРИЖА

### Зоотехния ва ветеринария

Омонов М.И. Сурхондарё зот типли сур коракўл кўзилари терисининг гистологик тузилиш хусусиятлари.....	6
---	---

### Пахтачилик

Улуғов Ч. Х., Иминов А.А. Ғўзада стимулятор ва суспензия кўллашнинг пахта ҳосилига таъсири.....	9
Исраилов М.Ж., Муратов Г.А., Бобоев С.Г., Муратов А. Ғўзанинг бўйлари кескин фарқланувчи тизма ва навларини чапиштириш орқали яратилган F <sub>1</sub> дурагай авлод ўсимликларининг ҳосилдорлиги.....	12
Тунгушова Д. А., Туракулов Д. А. Бентонит лойқаси меъёр ва муддатларининг ғўзанинг ўсиш ва ривожланишига таъсири.....	16
Қўшиев Ҳ.Ҳ., Эргашева Э.А., Қудратов А. Ингичка толали пахтанинг чекланган ва чекланмаган шахланиш типига мансуб навларида фотосинтез кўрсаткичлари.....	19

### Агроиктисодиёт

Болтаев Н.Ш. Фермер хўжалиklarини ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати ва аҳамияти.....	26
Мамадияров Д., Файзиев А. А. Жиззах вилоятининг пахта ҳосилдорлиги динамикасини статистик таҳлил усули билан башорат қилиш.....	28
Аширов Р. Республикамининг инновацион иқтисодиётга ўтиши шароитида мева-сабзавотчилик соҳасини модернизациялашнинг асосий жиҳатлари.....	32

### Ўсимликшунослик

Эгамбердиев Ш., Номозов Ж., Зиётов Т. Фигус бенжамин ( <i>Ficus benjamina</i> ) ва фикус эластикум ( <i>Ficus elastica</i> ) ўсимликларини вегетатив кўпайтириш.....	35
Туракулов А.А., Холмуротов М.З. Артишок – истиқболли доривор ўсимлик.....	39
Балтаниязов Ж.С., Камалова Н.Б. Нукус шаҳри шароитида ўсаётган дарахт ва буталарнинг захарли газларга чидамлилиги.....	42
Юлдашов Я.Х., Хатамов Б.Я., Шарапова Ш.А., Эгамбердиев Ш.Б. Арча уруғларини экишда намлик тартиби. арча уруғларини ҳосил бериши, пишиб етилиши ва уруғидан униб чиқиш хусусиятлари.....	44

### Ўрмончилик

Бердиев Э., Холмуротов М., Аманбаева Ш., Эгамбердиев Ш. Ўзбекистонга интродукция қилинган манзарали хинд настарини биоэкологияси.....	51
Шайматов О.А., Ҳамроев Ҳ.Ф. Эрта ҳосилга кирувчи грек ёнғоғи шаклларининг гуллаш жараёнлари.....	53

### Селекция, генетика ва уруғчилик

Усманов С.А., Хударганов К.О., Абдуллаева М.М. Ғўза тизмалари ва етиштириш шароити омилларининг бир туп ўсимликдаги кўсақлар сонига таъсирининг дисперсион таҳлили.....	57
Рустамов Н.С., Мадартов Б.К. Ғўзада ҳосилдорлик элементларининг шаклланиши.....	59
Улуғбоев А.Ё., Қурбонов А.А., Хайруллаев С.Ш. Минерал озиклантиришни стевия ( <i>Stevia rebaudiana bertonii</i> ) таркибидаги витаминлар миқдорида ижобий таъсири.....	62
Маҳмудов Ў.Х. Ерёнғоқ ва соянинг маҳаллий нав уруғларини лаборатория шароитида унвчанлигини аниқлаш.....	65
Назаров Х.К. Маккажўхори коллекциясидан янги истиқболли манбалар яратиш.....	67
Хошимов С.Қ., Норбеков Ж. К., Хусенов Н.Н., Тураев О.С., Кушанов Ф. Н., Буриев З.Т. Ўсимликларда днк-баркодлаш усулининг аҳамияти ва ўрни.....	69
Марданов Ҳ., Раҳманкулов М., Шадманов Б., Худойбердиев Н., Норматов М. Ғўзанинг <i>G.Barbadense L.</i> ва <i>G.Hirsutum L.</i> турларида ҳосил элементларининг шаклланишига табиий гармселнинг таъсири.....	72

### Тупроқшунослик ва агрокимё

Эргашева И., Эгамбердиев Ш., Очилов Т., Эгамбердиев М. Органик ва минерал ўғитлар билан манзарали хона ўсимликларини озиклантириш.....	76
Махкамova А.Ш., Камилов Б.С., Содиқова Г.С. Эрозияга учраган типик бўз тупроқлар шароитида ғўзанинг ўсиб ривожланишига маъданли ва биоўғит кўллашнинг таъсири.....	81
Қўзиев Ж.М., Матякупов А.Р., Умаров М.И. Глобал иқлим ўзгариши ва янги турдаги навларнинг ўғитлаш тизимининг зарурияти.....	85
Даулетмуратов М.М., Л.А.Гафурова.,В.Х.Шеримбетов.,Мадримов.М. Оролбўйи худудида агрокимёвий хизматни ташкил қилишда геоахборот технологияларидан фойдаланиш.....	89

Маматкулова Ф.А, Джалилова Г.Т. Тоғ шароитида тупрок-эрозия жараёнларини ўрганиш ва хариталаш.....	94
Даулетмуратов М.М. Қорақалпоғистон республикаси шароитида тарқалган ўтлоқи тупроқларнинг агрокимёвий хоссалари.....	96
Бўрибоева Г.Н., Холмуродова Г.Р. Шўрланишнинг тупроқ ҳолатига ва ўсимликларнинг ривожланишига таъсири.....	99

#### Мевачилик ва сабзавотчилик

Бегимкулов И.Б. Картошка ҳосилдорлиги, туганакларнинг биокимёвий таркиби ва чипс чикимига азотли ўғитларнинг таъсири.....	103
Низомов Р. А., Иброҳимов Б. А. Экиш схемасини бамияни ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири.....	106
Умарова М., Холлиев А.Т. Уруғ мевали боғлар биоценозида энтомофағларнинг учраш даражаси ва уларнинг аҳамияти.....	108
Енилеев Н.Ш., Нортажиев Б.Ш., Нурмухамедова Д.Ш. Методика формирования кроны лимона для выращивания в защищенном грунте.....	110
Исломов С., Очилов М. Унаби (Чилонжийда)ни уруғидан кўпайтиришнинг интенсив технологияларини ўрганиш.....	112
Низомов Р. А., Хушвақтов Н.Ж. Иситилмайдиган иссиқхона шароитида аччиқ қалампирни макбул экиш схемаларини ўрганиш.....	116
Исламов С.Я., Зуфтаров Э.А. Тошкент вилояти шароитида малина навларининг ер устки қисмини ўрганиш....	119
Искандаров З.С., Мирсултонова М.Б., Азизов Ш. Сабзи ва ош лавлагини сабзавот экинларини қуёш энергиясида қуритиш жараёнини технологик схемаси.....	122
Бердимуратов Э. Тадқиқотлар жараёнида топинамбур ўстириш, сақлаш ва жадаллашган уруғчилик тизими агротехнологияси.....	124
Ибрагимова Н.Ў., Сувонова М.М., Шокиров А.Ж. Турли экиш схемаларини кечки оқбош қарам ҳосилдорлигига таъсири.....	127
Сувонова М.М., Шокиров А.Ж. Мамлакатимизда кечки муддатда оқбош қарам етиштиришда сўғориш меъёрлари.....	131

#### Қишлоқ хўжалигида механизациялаш ва электрификациялаш

Холиёров Ё.Б., Йўлдашев Ш.У., Шарипов З.Ш., Маматов Ф.М., Олмосов М.Н. Мамлакат аграр соҳаси амалиётида механизация ва техник сервис масалалари: таҳлил ва тақлифлар.....	135
To'xtamishiev S.S., Rahmatov O. Qovun mevasini uzukli bo'laklarga kesish uchun mexanizatsiyalashgan apparatni ishlab chiqish.....	140
Ғанибоева Э.М., Абдурахмонов Ш.Х., Холбутаев М.О. Иссиқ худудларда дизел двигателлари цилиндр-поршен гуруҳининг ейилишига ёнилғи ва мойларнинг таркибидаги олтингугурт таъсири.....	144
Ибрагимов М.И., Таджикибекова И.Э. Повышение эффективности процесса озонирования сточных вод животноводческих комплексов и ферм.....	146

#### Ўсимликларни химоя қилиш

Умарова М., Холлиев А. Уруғ мевали боғларнинг асосий сўрувчи зараркунандаларининг тур таркиби ва учраш даражаси.....	151
Аймуратов У.Д., Давронов К., Муродова С.С., Халмуминова Г.Қ. Бодринг ўсимлиги сифатини оширишда биопрепарат олиш биотехнологиясини ишлаб чиқиш.....	154
Махмудова Ш.А. Донхўр брухусларнинг турли дуккакли дон экинларида зарари ва уларга қарши уруғдорлайдиган препаратларини самарадорлиги.....	158
Юсупов А.Х., Шукуров Х.М., Юсупов Ж.Ш. Уруғ мевали боғларда учрайдиган асосий сўрувчи зараркунандаларнинг тур таркиби ва учраши.....	160
Қўшақбоев Б.Б., Юсупов А.Х., Йўлдошов А.А. Ўзбекистонда мевали дарахтларнинг тангачақанотли зараркунандаларининг тур таркиби.....	162
Носирова З.Г., Эргашева Х.А. Тут парвонасига қарши қурашда гормонал инсектицидларнинг самарадорлиги.....	165
Хўжақулова Д.С., Нуралиев Х.Х. Наъматакуркумнинг( <i>rosa l.</i> ) асосий касалликлари ва уларга қарши қураш чоралари.....	169
Юлдашева С.Ш., Махмудова Ю.Ш. <i>Taraxacum kok-saghyz</i> godin. ўсимлигини лаборатория шароитида уруғ унувчанлигини аниқлаш.....	172
Холлиев А., Норкулов А., Бурхонова А. Ловия экиннида ўргимчакканга қарши кимёвий воситаларнинг биологик самарадорлиги.....	176
Сулаймонов Б.А., Кимсанбаев Х.Х., Муродов Б.Э., Яхёев Ж.Н. Калифорния қалқондори ( <i>Quadrastipidiotus perniciosus</i> ) биоэкологияси ва ривожланиш динамикаси.....	177
Болтаев Б.С., Болтаев С.Б., Худойкулов А.М. Ғўза-ғалла навбатлаб экиш тизимининг зарарли организмларга таъсири.....	180
Турдиева Ф.Т. Баргли салат ( <i>Lactuca sativa</i> ) уруғларининг дала шароитида унувчанлиги ва ўсиш фазаларининг давомийлиги.....	184
Сулаймонов Б.А., Рашидов М.М. Аччиқ қалампир ( <i>Сápsicum ánnum</i> ) зараркунандалари турлари, систематик таҳлили ва уларнинг учраш даражаси.....	187

Шеримбетов А.Г., Намазов Ш.Н., Рузметов Д.Р. Янги оддий ва мураккаб дурагай комбинацияларнинг патоген микромицетларга <i>Fusarium Oxysporum f.sp.vasinfectedum</i> инокуляция усули орқали чидамлилигини аниқлаш.....	190
Тошева Ё.Н., Гулмуродов Р.А., Самандарова Г.И. Цитрус дарахтларида айрим замбуруғлар келтириб чиқарадиган касалликлар.....	195
Пўлатов О.А., Умурзоков Э.У., Худойкулов А. Ёнғоқ мевали боғларнинг зараркунандалари ва улар миқдорини бошқариш.....	198
<b>Дехқончилик ва мелиорация</b>	
Норкулов У. Сирдарё вилояти шароитида туз тўпланиш жараёни ва шўр ювиш меъёри.....	200
Шамсиев А.С., Камиллов Б.С., Эшонқулов Ж.С. Суғориш тартибларининг такрорий экилган соя навлари оқил миқдорига таъсири.....	202
<b>Муаммолар. Муҳокамалар. Фактлар</b>	
Б.Ш.Шерматова, Д.Х.Мухитдинова. Интернетдан фойдаланишда экотуристтик фаолиятнинг технологияси ва ташкилоти.....	205
Мусаев Н.У. Россия империяси ҳукмронлиги даврида туркистонда қишлоқ аҳолиси табақаланишнинг кучайиши.....	210
Мусаев Н.У., Хушвақтов Ҳ.О. Илк ўрта асрларда ўрта осиеда дехқончилик ва ерга муносабат масалалари.....	215
Норалиев Н.Х. Рақамли қишлоқ хўжалиги истиқболлари муаммо ва ечимлар.....	219
<b>Қисқа ахборотлар</b>	
Хашимова М.С., Хашимов С.И. Обоснование режима работы универсального станка для обработки каракулевых шкурок.....	226
Бобоев Ю. Тўлепберген қайипбергенов ва замонавий қорақалпоқ адабиёти.....	227
Холмурзаев М., Хашимова М. Хашимова З. Необходимость иностранных инвестиций в экономику Узбекистана.....	229

## **ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ВА ЭЛЕКТРИФИКАЦИЯЛАШТИРИШ**

УДК:

**ҲОЛИЁРОВ Ё.Б., ЙЎЛДАШЕВ Ш.У., ШАРИПОВ З.Ш., МАМАТОВ Ф.М., ОЛМОСОВ М.Н.**

### **МАМЛАКАТ АГРАР СОҲАСИ АМАЛИЁТИДА МЕХАНИЗАЦИЯ ВА ТЕХНИК СЕРВИС МАСАЛАЛАРИ: ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФЛАР**

Маколада қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлатилаётган техникалар, улардан фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги соҳасини замонавий, ресурстежамкор, меҳнат унумдорлиги юқори техникалар билан таъминлаш тўғрисида мулоҳаза юритилган. Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчиларни трактор, комбайн ва қишлоқ хўжалиги машиналари билан таъминлаш муаммосини уларнинг техника сотиб олишини субсидиялаш орқали рағбатлантириш бўйича амалда шаклланган янги механизмни янада ривожлантириш зарурлиги тўғрисида сўз юритилган. Маҳаллий машинасозлик корхоналарида йиғилган техникалар учун эҳтиёт қисм ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш зарурлиги ҳақида фикрлар билдирилган. Қишлоқ хўжалиги машиналари ва уларга эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқариш ҳамда техник сервис масалаларида машинасозлик заводлари ва металга ишлов берувчи саноат корхоналари ўртасида кооперация алоқалари ривожлантириш масалаларига эътибор қаратилган.

**Калит сўзлар:** *Трактор, қишлоқ хўжалик машиналари, пахта териш машиналари ва галла ўриш комбайнлари, ишчи жиҳоз, детал, ишқаланиш, ейлиш, ресурс, плуг, механизация, ишонччилик, носозлик, нуқсон, иш қобилияти, технологик жараён, фермер ва деҳқон хўжаликлари, қувват, агротехник жараён, техник сервис хизмати, эҳтиёт қисмлар, локализация.*

#### **КИРИШ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг “Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 31 июлдаги ПҚ-4410-сонли Қарорида қишлоқ хўжалигини механизациялаш, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш ва техник сервис йўналишлари бўйича олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятдан кенг фойдаланиш кўрсатиб ўтилган /1/.

Ш.М. Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги “2019 йил – фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб номланган Олий Мажлисга Мурожатномасида келтирилганидек, айрим фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалик корхоналари етарлича айланма маблағлар, зарур техника ва бошқа моддий-техник ресурсларга эга эмас. Бу қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигига, шартнома мажбуриятларини бажарилишига ва фермер ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг рентабеллигига салбий таъсир кўрсатмоқда /2/.

Президент Ш.М. Мирзиёевнинг 2016 йил 17 ноябрдаги № УП-4857-сон - Фармонида асосан

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларига механизациялаштирилган хизмат кўрсатиш турларини, қишлоқ хўжалик техникаларига техник хизмат кўрсатишни ва ишлаб чиқаришни ўзаро алоқасини ягона тизимини яратиш, ҳамда қишлоқ хўжалик машинасозлиги, техник хизмат кўрсатиш корхоналари ва машина-трактор паркларини келгусида техник ва технологик қайта қуроллантириш, модернизациялаш, тармоққа инвестицияларни, шу жумладан чет эл инвестицияларини фаол жалб қилиш алоҳида таъкидлаб ўтилган эди /3/.

Президентнинг юқорида келтирилган Фармон ва Қарорларидан кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалиги соҳасини модернизация қилиш, унинг таркибига қирадиган деярли барча тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг бутун комплексида техник ва технологик янгилаш ишларини амалга оширишга катта эҳтиёж сезилмоқда.

Шунинг учун ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техника ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш иқтисодимиз учун энг муҳим устивор вазифа сифатида изчил давом эттирилмоқда. Бунинг мамлакатимиз Президентини томонидан қабул қилинган қатор ҳужжатларда ҳам кўриш мумкин.

## ТАДҚИҚОТ ВАЗИФАСИНИ ҚЎЙИЛИШИ

Кейинги йилларда юртимизда мазкур тизимни техника ва машина-механизмлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Фермер ва деҳқон хўжаликларига ўзоқ муддатли имтиёзли кредитлар ажратилиб, субсидиялар бериляётгани, техникаларни таъмирлаш мақсадида устахонага етказиш учун кетган йўл харажати 80 фоизгача давлат томонидан қопланаётганлиги диққатга сазовор. Республикаимизда кейинги икки йилда аграр соҳа хўжаликларида халқаро стандартларга жавоб берадиган замонавий техникалар сони ошмоқда, шу билан бирга, техникаларнинг ишлаш муддатлари тахлили шуни кўрсатмоқдаки, 10 йилдан зиёд хизмат қилган техникалар 65,4 фоизни ташкил этаётган бўлса, 16,9 фоиз қишлоқ хўжалик техникалари бутунлай эскирган. Шунинг учун фермер ва деҳқон хўжаликларини сифатли, замонавий, арзон, ишончли, агротехник ва эксплуатацион кўрсаткичлари юқори бўлган техникалар билан таъминлаш устувор вазифа бўлиб қолмоқда /4/.

Бу ишлар давлат томонидан қўллаб-қувватланаётган экан, хўжалик-ларга етказилган қишлоқ хўжалиги техникаларидан самарали, ресурсларидан эса тўлиқ фойдаланиш учун ўз вақтида техник хизмат кўрсатиш, носозликларни бартараф қилиш, таъмирлаш, диагностикалаш ва тўғри сақлаш каби техник жараёнлар қондаларига тўлиқ риоя қилиш талаб этилади. Бинобарин, қишлоқ хўжалиги соҳасида фойдаланиладиган техникаларнинг техник ва ишончлилик кўрсаткичлари (бузилмасдан ишлаши, пухталиги, таъмирбоплиги, сақланувчанлиги) юқори бўлиши техник хизмат кўрсатишга, яъни таъмирлаш, сақлаш ҳамда диагностикалашга мосланганлиги юқори бўлишига боғлиқ. Қишлоқ хўжалиги соҳасига техникаларнинг етказиб бериш сонининг кўпайтириш билан бирга, уларнинг сифатини ва фойдаланишда пухталигини ошириш муаммоси ҳам асосий ўриннинг эгаллайди. Ҳар йили 20 % машиналар, шу жумладан қишлоқ хўжалиги машиналарининг ишчи жиҳозлари ҳам катта миқдордаги ейилиш таъсирида қайта тиклаш ва таъмирлашга эҳтиёж сезади / 4 /.

Ҳозирги вақтда иқдисодий қийинчиликлар туфайли янги техникаларнинг сотиб олиш катта маблағ талаб қилиниши сабабли, таъмирлаш корхоналарининг ривожлантириш ва уларда таъмирлаш ишлари учун янги усулларни қўллаш алоҳида қиймат касб этади. Шунинг учун машиналарнинг таъмирлашда янги методларнинг қўллаш, замонавий ишлаб чиқаришнинг ташкил қилиш, таъмирлаш учун янги технологияларни тадбиқ қилиш, меҳнатнинг илмий ташкил этишнинг такомиллаштириш керак.

## ТАДҚИҚОТ МЕТОДИ

Бу мақолада қўйилган вазифаларни ечишда, мавжуд асосий талаб ва қондалар (давлат ва тармоқ стандартлари) га амал қилган ҳолда қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиши паст даражада эканлиги, асосий деталларнинг ишдан чиқишига олиб келувчи сабаблар, ҳамда уларни аниқлашда бошқарув қарорлари қабул қилиш назарияси ва амалиёти услубларига амал қилинган ҳолда бажарилган.

## ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, қишлоқ хўжалигини замонавий ва энергия тежамкор, фойдаланиш, ишлатиш, таъмирлаш, сақлаш ҳамда диагностика қилишга мослашган “ақли” техникалар билан таъминлашда бир қатор тизимли муаммолар мавжуд:

Кейинги йилларда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишда, хусусан, “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси” да экин майдонлари унумдорлигини ва экинлар ҳосилдорлигини оширишга, маҳсулот таннархини қамайтиришга олиб келувчи омилларни бошқариш қисоибига етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархини минималлаштириш соҳа ривожини белгилайдиган устувор йўналишлардан бири, деб белгиланди.

Маълумки, аграр соҳа бир бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлсада экинлар парваришида тутган ўрнига қараб бир бирини тўлдирувчи ва қўллаб қувватловчи бир қатор омилларни ўзаро мувофиқлаштирилган бошқарувига асосланган ҳолда юритилади. Ушбу омиллардан бири ер майдонларини экинлар уруғини экишга тайёрлаш, экиш, парваришлаш ва ҳосил йиғиштириш ишларини механизациялаш ҳамда фойдаланиляётган қишлоқ хўжалиги техникаларига сервис хизматлари кўрсатиш ҳамда таъминот масалаларидир.

Хусусан, бугунги кунда мамлакатимиз деҳқончилигида 563 турдаги қишлоқ хўжалиги техникаларига эҳтиёж бўлиб, улардан 104 турдагиси ёки 18 фоизи импорт қилинади, 258 турдагиси ёки 46 фоизи маҳаллий машина-созлик корхоналарида ва 49 турдагиси ёки 9 фоизи қўшма машинасозлик корхоналарида ишлаб чиқарилади, бошқа 152 турдагиси ёки 27 фоизи янгидан яратилиш, маҳаллий шароитга адаптация қилиш, модернизация, синов ва фойдаланишдан чиқарилиш каби ҳолатларда турибди.

Юқоридаги асослантиришларни инобатга олган ҳолда эътиборингизга тақдим этиляётган таҳлил қилиш ва таклифлар тайёрлашда бошқарув қарорлари қабул қилиш назарияси ва амалиёти услублари қўлланилди/5/.

### 1. Трактор қувватларининг маҳаллий шароитга мослиги.

Республика қишлоқ хўжалигида кичик қувватли (20-60 от кучи), ўрта қувватли (60-160 от кучи) ва юқори қувватли (160 дан ортиқ от кучи) тракторлар ишлатилади.

1.1. «Ўзагросервис» АЖ тизимидаги мавжуд техникалар, асосан, пахта ва ғалла майдонларига мўлжалланган юқори қувватли комбайн ва тракторлардан иборат. Тракторларга тақиб ишлатиладиган плуглар тўрт-беш корпус (дала контурлари ўлчамлари кичик бўлганлиги сабаб, корпуслари тўртдан ортиқ бўлган плуглар кенг қўлланилмайди) ли бўлгани учун, одатда уларнинг ҳар бир корпусига 50 от кучи тўғри келади.

Бир корпусга 30 от кучи қуввати оптимал бўлган холда, зарур бўлмаган 20 от кучи қуввати самарасиз ишлатилмоқда. Демак тўрт корпуслик плугни ишлатганда тракторнинг 80 от кучи шунга мос миқдордаги ёниги ва сервис харажатларига сарфланади. Демак, маҳсулот таннархи ҳам кескин қимматлашади.

1.2. Қайд этиш керак-ки, бундай юқори қувватли тракторларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 70 фоиздан ортиқ қисмини етиштираётган дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари даласида қўллаш иқтисодий самарасиз.

Шунга қарамасдан, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари даласида бугунги кунда қуввати 80-100 от кучи бўлган тракторлардан фойдаланилмоқда. Демак бу ерда ҳам ёниги ва сервис харажатлари керагидан ортиқ.

Таҳлилларга кўра дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг кичик ўлчамли даласида ишлатиладиган тракторларнинг қуввати 20-60 от кучи бўлиши мақсадга мувофиқ.

## **2. Тракторлар сони.**

2.1. Юқори қувватли тракторлар эҳтиёжини аниқлаш бўйича қўлланилиб келинган услуб одатда битта трактор билан қанча майдонни куз ойларида ер ҳайдаш заруриятдан келиб чиққан. Ушбу услуб ёзги мавсумга тўғри келмайди. Ёзги мавсумда ғалла ўримида кейин ер ҳайдаш ёки ерга бошқа турдаги ишлов ўз вақтида берилмаса нам тез йўқолиши ҳисобига ер қотиб қолади ва шудгор сифатсиз бўлади, кесак кўчади. Бундай майдонларга экин экиш учун катта миқдорда ёниги ёки ерни юмшатиш учун сув талаб этилади. Сув етишмайдиган жойларда ёзги экин экиб бўлмайди.

Демак тракторлар ҳисобини кузги шудгор иш ҳажмидан эмас ёз ойлари иш шароитидан келиб чиқиб, тупроққа ишлов бериш агротехник муддатини бир хафта деб белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу услубда ҳисоб қилинса тракторлар сони беш баробар кам эканлиги келиб чиқади. Тракторлар сонининг ортиши натижасида тупроққа ишлов бериш муддатлари камайиши ҳисобига ортиқча сув ва ёниги сарфламасдан барча ерларга экин экиб ҳосил олиш имкони яратилади. Шудгордан тежалган сувни экинни суғоришга сарфлаш ҳисобига ҳосилдорлик одатдаги ҳолга нисбатан кафолатли бўлади, ҳосил ҳажми ҳам ортади.

2.2. Дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари майдонларида ишлайдиган тракторларга бўлган эҳтиёжнинг ҳисоби бугунги кунга қадар юритилмаган. Фермер ва агрокластерлар учун мўлжалланган тракторлардан ушбу далаларда фойдаланиш нотўғри, чунки, ер майдонларинг ўлчами кичик бўлганлиги учун юқори қувватли тракторлардан фойдаланиш бу ерда иқтисодий самара бермайди.

Дехқон хўжалиқларининг сони кўп бўлмасада, томорқа ер эгаларининг сони 5 миллиондан ортиқ эканлигини ҳисобга олсак, бир хафтада қуввати 60 от кучи бўлган битта трактор ўртача 9 га ерга ишлов бериш мумкинлигидан келиб чиқсак, республикага 90

минг та кичик қувватли тракторга эҳтиёж борлиги ойдинлашади. Пахтачиликдаги 40 миңдан ортиқ тракторлар бугунги кунда дехқон ва томорқа ер эгалари майдонларида ҳам ишлатилмоқда. Агротехник тадбирларни оптимал муддатларда бажариш учун қўшимча 50 миңг дона кичик қувватли (20-60 от кучи) тракторларга зарурият бор.

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, дехқон ва томорқа ер эгалари майдонларида маҳсулот етиштириш, асосан, қўл меҳнатига асосланган. Техника етишмаслиги сабабли, баъзи агротадбирлар бажарилмайди, баъзилари эса белгиланган агротехник муддатдан кечикиб бажарилади. Агар, тракторларга бўлган эҳтиёж тўлиқ қондирилса, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини йўқотилишининг олди олинади, меҳнат унумдорлиги ва маҳсулдорлик ортади.

## **3. Механизация хизмати.**

3.1. Республиканинг асосий экин турлари пахта ва ғаллани етиштириш учун 1995-2010 йилларда механизация хизматлари кўрсатиш билан фақат «Ўзагросервис» (собиқ «Ўзагромашсервис») тизими шуғулланиб келган. Харид қилинган трактор ва қишлоқ хўжалиги машиналарига давлат томонидан имтиёзли кредитлар берилган, қўшилган қиймат солиғидан озод қилиш каби енгилликлар бериб келинган.

Шундай бўлишига қарамасдан бу тизим, ҳозирга қадар давлат кўмаги ва банкларнинг имтиёзли кредитларига таяниб қолган, катта кредитор қарздорлиги мавжуд, тўлиқ ўз айланма маблағларига эга эмас.

Амалдаги механизация хизмати кўрсатиш шартномасида агротехник талабларни бажарилиши мажбурияти белгиланган бўлсада, ушбу агротехник талаблар бирор масъул субъектнинг ҳуқуқий мажбурияти тарзида шакллантирилмаган.

Энг асосийси, шартноманинг харажатлар қисмида реновация коэффициенти (техникани янгилаш ёки қайта тиклаш учун зарур бўлган амортизация ажратмаси) белгиланган меъёрдан кам ҳисоблаб келинган. Натижада, эскирган техникани янгилаш фондини шакллантиришнинг имконияти бўлмаган ва банкнинг имтиёзли кредитига эҳтиёжмандлик ҳолатидан чиқиб кета олмаган.

3.2. Дехқон ва томорқа ер эгалари майдонларида маҳсулот етиштирувчиларга механизация хизматлари кўрсатиш тизимли равишда шаклланмаган. Таҳлилларга қараганда, тадбиркорлик субъектлари ўз маблағлари эвазига харид қилган трактор ва техника воситалари умумий эҳтиёжнинг 5 фоизини ташкил қилади ҳолос. Махсус техникалар етишмаслиги сабабли, далага органик ўғит бериш, бегона ўтларга қарши курашиш, мелиорация ва тупроқ унумдорлигини тиклашга қаратилган баъзи агротадбирлар бажарилмасдан қолмоқда.

## **4. Техникаларнинг қўлланилиш муддати.**

Республикадаги трактор, комбайн ва қишлоқ хўжалиги машиналарининг асосий қисмининг ёши 20 ва ундан катта ёшда, шу сабабли улар ҳам маънавий ҳам жисмонан эскирган. Таҳлилларга кўра,



хар йили ушбу трактор ва қишлоқ хўжалиги машиналарини таъмирлашга камида 200 миллион АҚШ долларидан ортиқ маблағ сарф этилади.

#### **5. Трактор ва қишлоқ хўжалиги машиналари таъминоти.**

1995-2000 йиллар давомида Кейс компаниясида ишлаб чиқарилган трактор, комбайн ва қишлоқ хўжалиги машиналари қўшилган қиймат солиғи ва божхона тўловларидан озод этилган ҳолда импорт қилинган. Шу билан бирга, техникалар ва эҳтиёт қисмлар нархининг 15 фоизи давлат бюджети ҳисобидан тўлаб берилган.

2019 йилга қадар мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган трактор, комбайн ва қишлоқ хўжалиги машиналари нархларини мўтадиллаштириш ва маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш мақсадида Давлат томонидан қўлаб-қувватлаб келинди. Бу амалиёт, асосан, Кейс ва Класс компаниялари иштирокида ташкил этилган қўшма корхоналарда ишлаб чиқарилган трактор, комбайн ва қишлоқ хўжалиги машиналарини «Ўзагролизинг» АЖ томонидан фермерларга лизингга бериш билан амалга оширилган.

Трактор, комбайн ва қишлоқ хўжалиги машиналарини йирик узеллардан йиғиш технологияси қўлланилаётган ушбу корхоналарда хориждан импорт қилаётган йирик узел ва эҳтиёт қисмларига ҳам қўшилган қиймат солиғи ва божхона тўловларидан озод этиш имтиёзи ҳам қўлланилди.

2019 йилдан бошлаб эса, соҳани давлат томонидан қўлаб қувватлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчиларга кредит ёки лизинг хизматлари кўрсатиш маржасинининг 10 фоизини ҳамда ишлаб чиқаришнинг 20 фоизидан ортиқ қисми маҳаллийлаштирилган трактор ва қишлоқ хўжалиги машиналарини сотиш нархининг 15 фоизини субсидиялаш механизми қўлланилмоқда.

Пахта териш машиналари ва ғалла ўриш комбайнлари учун эски тартиб, яъни, қўшилган қиймат солиғи ва божхона тўловларидан озод қилиш сақланиб қолган ҳолда унга қўшимча тарзда, пахта териш машиналарида механизация хизматлари кўрсатиш нархининг муайян қисмини давлат бюджетидан тўлаб бериш тартиби йўлга қўйилди.

#### **6. Техник сервис хизмати.**

Трактор, комбайн ва қишлоқ хўжалиги машиналарига кафолат муддати даврида сотувчи субъектлар томонидан техник сервис хизмати кўрсатилиши тартиби ўз ечимини топган. Аммо кафолат муддатидан кейинги даврда техник сервис хизмати кўрсатиш тизимли равишда шаклланмаган, бу аксарият ҳолларда тракторчи-операторлар зиммасига юклатилган.

Кўрсатилаётган механизация хизмати баҳосининг нисбатан арзонлиги техник сервис хизматлари ва етказиб берилаётган эҳтиёт қисмларнинг нархи юқорилиги сабаб, трактор, комбайн ва қишлоқ хўжалиги машиналарини таъмирлаш ва уларга техник сервис хизмат кўрсатишда доимо маблағ тақчиллиги юзага келмоқда.

“Жон Дир” ва бошқа айрим етакчи компаниялар трактор, комбайн ва қишлоқ хўжалиги машиналарининг импорти билан шуғулланувчи воситачи ёки дилерлик шартномаси бор корхоналар, етказиб берилган техникаларига кафолат муддатидан кейинги даврдаги техник сервисларни амалга ошириш ҳамда эҳтиёт қисмларни етказиб бериш масъулиятини олишмаган.

Шунингдек, маҳаллий машинасозлик корхоналари ҳам ўзлари ишлаб чиқараётган трактор, комбайн ва қишлоқ хўжалиги машиналарига кафолатли хизмат муддатидан кейинги даврдаги техник сервис ишларини бажариш ҳамда харидорни эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш бўйича масъулиятни ўз зиммасига олишмаган.

Хориж амалиётида трактор, комбайн ва қишлоқ хўжалиги машиналари ишлаб чиқарувчи корхоналар ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлари сотилган кундан бошлаб 10 йил давомида дилерлари орқали эҳтиёт қисмлар билан истеъмолчи учун қулай бўлган ўз сервис (истеъмолчига 30 км радиусдан ортиқ бўлмаган ҳудудда сервис хизмати кўрсатилади) марказларига (ёки сервис масъулиятини шартнома асосида юклаган корхонага) олдиндан етказиб қўйиш ҳамда техник сервис хизмати кўрсатиш масъулиятини олишгандан кейингина савдога рухсат берилади.

Қўлланилаётган трактор, комбайн ва қишлоқ хўжалиги машиналари конструкциясининг мураккаблашуви, интеллектуал назорат-бошқарув тизимининг қўлланилиши, иш жараёнида уларнинг координатларини аниқлаш (ГЛОНАСС, GPS) тизими ўрнатилиши, онлайн ахборот алмашинувини йўлга қўйилиши, электр тракторлар, комбайнлар ва роботлашган тизимнинг пайдо бўлиши ҳисобига замонавий сервис хизматига эҳтиёж кучаймоқда.

Айниқса, техникани ишлаб чиқарувчи компанияларда техник сервиснинг турли стандартлари қўлланилиши, ягона тизимга ўтиш бўйича келишувга эришилмаганлиги мураккаб вазиятни келтириб чиқармоқда. Бир компания томонидан ишлаб чиқарилган техникага сервис хизмати кўрсатувчи мутахассис ўз билими ва ташхислаш воситаларини бошқа компания техникаларига сервис хизмати кўрсатишда қўллаши ўринсиз бўлиб қолмоқда, технологик ва дастурий (программный) номуносивлик келиб чиқмоқда.

«Ўзагросервис» АЖ тизими корхоналари асосий эътиборини механизация хизматига йўналтирганлиги, соҳада дебитор ва кредиторлик қарздорлар мавжудлиги, у ўз ечимини топмаганлиги техник сервис хизмати кўрсатишда бир мунча қийинчиликларни туғдирмоқда.

Шартнома шартларидаги қаршиликлар натижасида агротадбирни бажарувчи билан бирга буюртмачи ҳам зарар кўрмоқда. Ушбу ҳолат давом этаверса бажарувчи ва буюртмачининг ўз вазифаларини тўлақонли бажара олмаслигига олиб келади. Масалан, бажарувчи плуг лемехини чархламасга ёнилғи сарфи ошади, иш унуми пасаяди. Буюртмачи, тупроққа органик ўғит солмасга тупроқ унумдорлиги

ёмонлашади, етиштириладиган маҳсулот салмоғи камаяди, самарадорлик пасаяди, меҳнат, ёнилғи ва бошқа ресурслар сарфининг ошиши каби салбий натижалар занжири юзга келади.

Хориж амалиётида хизмат муддатини, яъни, техник ресурсини (техника турига, пухталигига ва иш шароитига боғлиқ ҳолда 7 йилдан 20 йилгача белгиланган) ўтаб бўлган трактор, комбайн ва қишлоқ хўжалиги машиналари тўлиқ мукамал таъмирланиб, иккиламчи бозорда қайта савдога қўйилади. Эскирган (хизмат муддатини ўтаб бўлган) техникани мукамал таъмирлашга бериш жараёнини рағбатлантиришнинг иқтисодий механизмига амал қилинади. Эски техникани таъмирлаш корхоналарига сотган фермерларга янги техника нархи нархининг 25 фоизига миқдорда субсидия ва узоқ муддатли фоизсиз кредит давлат томонидан ажратиш тартиби қўлланилиб келинади. Ушбу механизмни қўллашда, ҳар бир техникага эҳтиёжнинг долзарблигидан келиб чиққан ҳолда ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги таклифига кўра, субсидия миқдори ҳар йили шароитга ростлаб борилади.

#### **7. Трактор, комбайн ва қишлоқ хўжалиги машиналари ҳамда уларга эҳтиёт қисмларни маҳаллий машинасозлик корхоналарида ишлаб чиқариш.**

Маҳаллий машинасозлик корхоналарига етакчи хориж компаниялардан йирик узелларни олиб келиб, шу узеллардан трактор, комбайн ва қишлоқ хўжалиги машиналарини йиғиш технологиясининг оммавий қўлланилиши сабаб, ўтган 30 йил ичида аграр соҳа учун зарур бўлган ўз тракторимиз ёки қишлоқ хўжалиги машинасимизни тўлиқ ишлаб чиқаришни йўлга қўя олмадик. Йиғилган техникаларда деталларнинг локализацияси йўқ ҳисобиди.

Шу сабабли, маҳаллий машинасозлик корхоналари ўзларида йиғилган техникалар учун эҳтиёт қисм ишлаб чиқариш имкониятига эга эмас. Натижада, уларнинг техниканинг кафолат муддатида ва ундан кейинги иш жараёнида техник сервис мажбуриятини бажариш имконияти йўқ.

#### **8. Қишлоқ хўжалиги техника паркни янгилаш ва тўлдириш ҳамда техник сервис соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича кейинги икки йилда амалга оширилган ислохотлар.**

Соҳани давлат томонидан иқтисодий қўллаб-қувватлаш 2019 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчилар орқали, яъни уларга техника сотиб олишларида банк кредитлари ва лизинг хизматлари маржасининг 10 фоизи ҳамда 20 фоиздан ортиқ локализация қилинган техникалар учун 15 фоизлик субсидиялар бериш тартиби билан амалга ошириш йўлга қўйилди.

Натижада, бугунги кунда, қишлоқ хўжалиги машиналари ва уларга эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқариш ҳамда техник сервис масалаларида машинасозлик заводлари ва металга ишлов берувчи саноат корхоналари ўртасида кооперация алоқалари жонланиб бошлади.

### **Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантириш-нинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси талаблари даража-сида соҳада техника сиёсатини юритиш бўйича ТАКЛИФЛАР:**

Ресурс таъминоти ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ностратегик давлат корхоналарини хусусийлаштириш орқали ресурслар ва хизматлар бозорида рақобатни кучайтириш ҳамда имтиёзли кредит ҳисобига ресурслар етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш амалиётидан воз кечиш юзасидан Стратегияда белгиланган вазибаларни бажариш учун:

1. Қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқариш, соҳани механизациялаш, техник сервис ва агросервис хизматлари бозорида фаолият юритаётган давлат улуши юқори бўлган корхоналарни хусусийлаштиришда давлат-хусусий шерикчилик тамойилини кенг қўллаш;

2. Имтиёзли кредит ҳисобига ресурслар етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш амалиётидан воз кечиш;

3. Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчиларни трактор, комбайн ва қишлоқ хўжалиги машиналари билан таъминлаш муаммосини уларнинг техника сотиб олишини субсидиялаш орқали рағбатлантириш бўйича амалда шаклланган янги механизмни қуйидаги йўналишларда янада ривожлантириш зарур:

- механизация хизмати кўрсатиш бозорида «Ўзагросервис» АЖ нинг монопол ҳолатига барҳам бериш, техникалардан янада самарали фойдаланиш учун улардан биргаликда фойдаланиш ва сервис мақсадида техника эгалари иштирокида яқка тартибда тадбиркор (хусусий корхона), масъулияти чекланган жамият ёки кооператив ёхуд ширкат тарзида юридик шахс ташкил этаётган харидорларни рағбатлантириш;

- деҳқон ва томорқа эгалари ёхуд кичик ер эгалари кооперативи сотиб олаётган техникаларга алоҳида имтиёзли субсидиялар ажратишни йўлга қўйиш;

- техникаларга диагностика, техник қаров ва жорий таъмирлаш хизматлари кўрсатиш бўйича хусусий устахоналар ташкил этиш манфаатли эканлигини намойиш этиш, бунинг учун грант ва бенефициар маблағлари ҳисобига мамлакатнинг бешта ҳудудида (Қорақалпоғистон Республикаси-Хоразм вилояти, Бухоро-Навои-Самарқанд вилоятлари, Қашқадарё-Сурхондарё вилоятлари, Жиззах-Сирдарё-Тошкент вилоятлари, Наманган-Фарғона-Андижон вилоятлари) хусусий устахона модулини ишга тушириш ҳамда унда консалтинг ва малака ошириш хизматларини ташкил этиш;

- хизмат муддатини ўтаб бўлган (муддат меъёрламадан, топилмаса, солиқ кодексининг 15-моддаси ёки бухгалтерия ҳисоботи бўйича аниқланади) техникаларни сотиб, ўрнига янгисини олган субъектларни рағбатлантириш, бунинг учун:

биринчидан - капитал таъмирланган техникалар бозорини йўлга қўйиш, дастлаб ушбу бизнес манфаатли эканлигига тадбиркорларни ишонтириш ва кўникма шакллантириш учун «Ўзагросервис» АЖнинг амалдаги бино-иншоотларидан фойдаланган ҳолда

мамлакатимизнинг бешта худудида (Қорақалпоғистон Республикаси -Хоразм вилояти, Бухоро-Навои-Самарқанд вилоятлари, Қашқадарё-Сурхондарё вилоятлари, Жиззах-Сирдарё-Тошкент вилоятлари, Наманган-Фарғона-Анджон вилоятлари) грант ҳамда бенефициар маблағари ҳисобига техникаларни капитал таъмирлаш бўйича замонавий цех модулини ишга тушириш;

иккинчидан – техникасини капитал таъмирлашга топширган ёки иккиламчи бозорда сотган субъектлар локализация шартларини сақлаб қолган ҳолда, маҳаллий машинасозлик корхоналаридан харид қилаётган техникалар нархига берилаётган субсидияни 15% дан 25% га орттириш ва фойсиз узоқ муддатли кредит бериш, шунингдек, техникаларнинг нархидан келиб чиқиб, уларнинг кредит муддатларини ҳам дифференциация қилиш;

учинчидан – ейилиш (изнашивание) ҳисобига ишдан чиққан деталларнинг ресурсини тиклаш ва иккиламчи техника бозорига киритиш мақсадида «Ўзагросервис» АЖнинг амалдаги бино-иншоотларидан фойдаланган ҳолда мамлакатимизнинг икки худудида минтақавий деталларни тиклаш устахонасини грант ва бенефициар маблағлари ҳисобига ташкил этиш;

тўртинчидан– қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчиға сифатли оригинал эҳтиёт қисмлар ва

уларнинг нархлари ҳамда сотилиш манзили ва кафолат муддатлари ҳақида маълумотлар электрон ахборот-алмашиниш тизимини грант ва бенефициар маблағлари ҳисобига яратиш тавсия этилади;

4. Агросаноат мажмуи субъектлари ўртасидаги механизация хизматлари, техникалар диагностикаси, техник қаров, жорий ва капитал таъмирлаш ҳамда техник ёки технологик таъминот хизматлари бўйича ўзаро муносабатларини барқарор ривожлантиришга қўмаклашиш учун стандартлаштирилган бўнак шартномаларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиш таклиф этилади

5. Ишлатишга самарали қувватдаги тракторларни ва уларга тақиб ишлатиладиган қишлоқ хўжалиги машиналарини танлаш, улардан фойдаланиш, техник сервис хизматлари ва уларни ташкил этиш хусусиятлари бўйича маслаҳатлар бериш тизимини ташкил этиш.

6. Қишлоқ хўжалигини тизимли равишда янги техникалар билан таъминлаш, механизация ва техник сервис хизматлари кўрсатиш бўйича халқаро тажрибага таянган ҳолда барча муамоларни фаол мувофиқлаштириш тизимини, ҳамда соҳани давлат томонидан қўллаб қувватлашнинг ҳуқуқий ва молиявий механизмларини ўзида акс эттирган норматив ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш мақсадга мувофиқ.

*«Машина ва механизмлар технологиялари» ИТМ*

*ТИҚХММИ,*

*Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти,*

*ҚХМЭИТИ*

#### **Адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. “Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 31 июлдаги ПҚ-4410-сонли қарори.

2. Мирзиёев Ш.М. “2019 йил – фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб номланган 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожатномаси.

3. Мирзиёев Ш.М. “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларига механизациялаштирилган хизмат кўрсатиш турларини, қишлоқ хўжалик техникаларига ТХК-ни ва ишлаб чиқаришни ўзаро алоқасини ягона тизимини яратиш тўғрисида” ги 2016 йил 17 ноябрдаги № УП-4857-сонли Фармони.

4. Йўлдошев Ш.У. “Қишлоқ хўжалиги техникаларидан қай даражада фойдаланаяпмиз?”. “Халқ сўзи” газетаси. № 36, 19 февраль 2020 йил.

5. Теория и практика принятия управленческих решений: учебник/ГЗЗ коллектив авторов; под. ред. Г.И. Москвитина. – Москва: КНОРУС, 2017.-340 с.

УДК 631.361.82

**ТУХТАМИШЕВ С.С., РАХМАТОВ О.**

### **РАЗРАБОТКА МЕХАНИЗИРОВАННОГО АППАРАТА ДЛЯ РАЗРЕЗАНИЯ ПЛОДА ДЫНИ НА КОЛЬЦЕВЫЕ ДОЛЬКИ**

В статье рассматривается вопрос разработки механизированного аппарата для разрезки плодов дыни на дольки. Эта операция необходима для подготовки дыни перед сушкой. По разработанной технологии плод дыни разрезают на кольцевые дольки перпендикулярно его оси. Для осуществления